

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

7 ЖИЛД, 9 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 7, НОМЕР 9

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 7, ISSUE 9



ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№9 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2022-9>

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Fayziev Shoxrud Farmonovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

Boboyev Halimboy Boboyevich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Adilxodjayeva Surayyo Maxkamovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Sattorov Abdug'affor

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Artur Gambaryan

yuridik fanlar doktori, professor (Armaniston)

Yosuke Shamoto

yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)

12.00.02 - КОНСТИТУЦИОННЫЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

Malikova Gulchexra

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Xusanov Ozod Tillabayevich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Selimanova Svetlana Mixaylovna

yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)

Xvan Leonid Borisovich

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Peshkova Xristina Vyacheslavovna

yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)

Sung Un Lee

yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 - ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

Oqyulov Omonboy

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ro'zinazarov Shuhrat Nuraliyevich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ruziyev Rustam Jabborovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Borotov Mirodiljon Xomudjonovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Toshev Boboqul Norqobilovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Shomuxamedova Zamira Shoislamovna

yuridik fanlar doktori, (O'zbekiston)

Ahmad Issa Altweissi

yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)

12.00.04 - ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW; ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

Esanova Zamira Normurodovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Egamberdiyev Eminjon

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jason A.

Kanton Federal sud markazi (AQSH)

12.00.05 - МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

Usmanova Muborak Akmalxanovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Gasanov Mixail Yuriyevich

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Sattorova Gulnoza Djurakulovna

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Murodova Gulnora

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Denisov Gleb

yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Fayziyev Shuxrat Xasanovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Usmonov Muhammadi Bahridinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Xolmuminov Juma
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jo'rayev Yuldash Achilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Skripnikov Nikolay Kuzmich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Po'latov Baxtiyor Xalilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Salomov Baxrom Salomovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Salayev Nodirbek Saparbayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Osmonaliev Qayrat
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Aleksey Kibalnik
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Kudryavtsev Vladislav Leonidovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Sergey Shoshin
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)
James B.
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

Rustambayev Mirzayusup Hakimovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Zufarov Rustam Axmedovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Kabulov Rustam
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Rajabova Mavjuda Abdullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Taxirov Farhod
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ismailov Isomiddin
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Hamidov Nurmuhammad Orif o'g'li
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (O'zbekiston)
Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Djansarayeva Rima Ernatovna
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Yelena Antonyan Aleksandrovna
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Matthew Light
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)


Inog'omjonova Zumratxon Fatxullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Pulatov Yuriy Safiyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
To'laganova Gulchehra Zaxitovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mirzov Davron Miragzamovich
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)
Rijakov Aleksandr Petrovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Stoyko Nikolay Genadyevich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Iskandarov Zayniddin
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Sergey Pen
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Aleksey Purs
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)
Jurgen Maurer
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)
Kevin Curtin
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

Ismoilov Bahodir Islamovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Yuldasheva Govxerjan
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Alexander Trunk
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)

| | |
|--|-----|
| 1. Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ: НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ..... | 5 |
| 2. Умаров Бекзод Азаматович ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА НОМАРКАЗЛАШТИРИШ ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ ЎРНИ..... | 19 |
| 3. Абдуллаева Мафтуна Мурот кизи ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ТИЗИМИДА КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУД: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ..... | 26 |
| 4. Avezov Umidjon Toshpulatovich JAMOAT BIRLASHMASI SIFATIDA KASABA UYUSHMALARINING HUQUQIY MAQOMI VA YURIDIK TABIATI..... | 34 |
| 5. Toshmuxammadov Asadbek Yusup o‘g‘li O‘ZBEKISTONDA OMMAVIY TADBIR O‘TKAZISH TARTIBINING HUQUQIY ASOSLARI (QIYOSIY-HUQUQIY TAHLIL)..... | 43 |
| 6. Муракаева Зухра Ильгизаровна СХОДСТВА И РАЗЛИЧИЯ ЗАКОНОДАТЕЛЬНЫХ НОРМ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН И РОССИЙСКОЙ ФЕДЕРАЦИИ В СФЕРЕ ОБЕСПЕЧЕНИЯ АВТОРСКОГО ПРАВА..... | 50 |
| 7. Джалилов Фуркат Закирович ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИНИНГ МУЛКИЙ МАНФААТДОРЛИГИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАР ТУШУНЧАСИ..... | 58 |
| 8. Иброхимов Жамшид Абдуғофур ўғли ЯЛПИ ҚИРҒИН ҚУРОЛЛАРИНИНГ НОҚОНУНИЙ МУОМАЛАСИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ЮРИДИК ТАҲЛИЛИ ВА ЖАВОБГАРЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ..... | 66 |
| 9. Jumanazarova Marjona Botir qizi OXIRGI ZARURAT NAZARDA TUTILGAN NORMALARNING RIVOJLANISH TARIXI VA O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI JINOYAT KODEKSIGA KIRITILISHINING ZARURATI..... | 77 |
| 10. Худайкулов Ферузбек Хуррамович ЖИНОЯТ ОБЪЕКТИВ ТОМОНИ ФАКУЛЬТАТИВ БЕЛГИЛАРИ: УЛАРНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ ВА ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ АҲАМИЯТИ..... | 87 |
| 11. Хидоятлов Бахтиёр Батирович ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ПРОЦЕССУАЛ ШАКЛ: МОҲИЯТИ, ТАВСИФИ ВА АҲАМИЯТИ..... | 100 |
| 12. Полвонов Нажмиддин Аслидинович ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА МУСОДАРА ҚИЛИНИШИ МУМКИН БЎЛГАН МУЛК ОБЪЕКТЛАРИ..... | 108 |




**12.00.08-УГОЛОВНОЕ ПРАВО. КРИМИНОЛОГИЯ.
УГОЛОВНО-ИСПОЛНИТЕЛЬНОЕ ПРАВО**

Джалилов Фуркат Закирович,
Ўзбекистон Республикаси Президенти
Администрацияси масъул ходими
E-mail: Fbi774@mail.ru

**ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИНИНГ МУЛКИЙ МАНФААТДОРЛИГИ БИЛАН БОҒЛИҚ
ЖИНОЯТЛАР ТУШУНЧАСИ**

For citation: Djalilov Furkat Zakirovich. THE CONCEPT OF CRIMES RELATED TO THE PROPERTY INTERESTS OF A CIVIL SERVANT. Journal of Law Research. 2022, 7 vol., issue 9, pp. 58-65

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.7243293>

АННОТАЦИЯ

Мазкур илмий мақолада давлат хизматчисининг мулкий манфаатдорлиги билан боғлиқ жиноятлар тушунчасига оид айрим фикр ва мулоҳазалар илгари сурилган. Бунда мансабдор шахслар билан боғлиқ бўлган порахўрлик ҳамда мансабдор шахс ҳисобланмаган давлат хизматчилари билан боғлиқ бўлган пора эвазига оғдириш тушунчалари атрофлича таҳлил қилинган. Жиноят қонунчилигида пора эвазига оғдириш атамаси ўрнига қонунга хилоф равишда ҳақ олиш ва бериш атамасини қўллаш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: давлат хизматчиси, мансабдор шахс, порахўрлик, пора эвазига оғдириш, қонунга хилоф равишда ҳақ бериш-олиш, ғараз ният, хизмат вазифаси.

Джалилов Фуркат Закирович,
Сотрудник Администрации
Президента Республики Узбекистан
E-mail: Fbi774@mail.ru

**ПОНЯТИЕ ПРЕСТУПЛЕНИЙ, СВЯЗАННЫХ С ИМУЩЕСТВЕННЫМИ
ИНТЕРЕСАМИ ГОСУДАРСТВЕННОГО СЛУЖАЩЕГО**

АННОТАЦИЯ

В данной научной статье выдвигаются некоторые мнения и соображения относительно понятия преступлений, связанных с имущественным интересом государственного служащего. Подробно проанализированы понятия взяточничества в отношении должностных лиц и хищения в отношении неофициальных государственных служащих. Разработаны рекомендации по использованию в уголовном законодательстве термина незаконное получение и дача денег вместо термина растрата.

Ключевые слова: государственный служащий, должностное лицо, взяточничество, хищение, незаконный платеж, злой умысел, служебная обязанность.

Djalilov Furkat Zakirovich,
Employee of the Presidential Administration
of the Republic of Uzbekistan
E-mail: Fbi774@mail.ru

THE CONCEPT OF CRIMES RELATED TO THE PROPERTY INTERESTS OF A CIVIL SERVANT

ANNOTATION

This scientific article puts forward some opinions and considerations regarding the concept of crimes related to the property interest of a civil servant. The concepts of bribery in relation to officials and theft in relation to informal civil servants are analyzed in detail. Recommendations have been developed on the use of the term illegal receipt and giving of money in the criminal law instead of the term embezzlement.

Keywords: civil servant, official, bribery, bribery, illegal payment, malice, official duty.

Жиноят ҳуқуқида давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи ходимларининг муайян хизмати учун ҳақ беришнинг қонунга хилофлиги ҳақидаги фикр-мулоҳазаларга ўз ижтимоий-ҳуқуқий моҳиятига кўра порахўрликнинг тавсифида дуч келамиз. Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигининг таҳлили, шунингдек унинг шаклланиш ва ривожланиш жараёни турли босқичларини ўрганиш қонун чиқарувчи пора олиш-беришни тартибга солишнинг ўзи билан ҳеч қачон кифояланмаган, амалда Давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг мулкӣ манфаатдорлигининг бир қатор жиҳатлари жиноят қонунида ўз аксини топган, деган хулосага келиш имконини беради.

Ўзбекистоннинг 1959 йилги Жиноят кодексида порахўрлик жиноятларининг таркиблари билан бир қаторда гувоҳ, жабрланувчи ёки экспертни ёлғон кўрсатувлар ёки сохта хулоса беришлари учун сотиб олиш (163-модда) назарда тутилган, қатор моддаларда пора эвазига оғдириш жиноят содир этиш усулларида бири сифатида амал қилган (137, 138¹, 142¹-моддалар), бундан ташқари, Кодекста қонунга хилоф равишда ҳақ беришнинг турларидан яна бири – “Аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган ишларни бажарганлик учун гражданлардан ғайриқонуний тарзда ҳақ олиш” (177¹-модда) [1] тўғридан-тўғри кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистоннинг 1994 йилги Жиноят кодексида ҳам қатор нормаларда давлат хизматчисини пора (ҳақ) эвазига оғдирганлик учун жавобгарлик белгиланди. Аслида давлат хизмати умумий маънодаги хизмат тушунчасининг бир тури ҳисобланади. Бошқача айтганда, хизмат – бу инсон, давлат ва жамиятнинг мақсадга мувофиқ фаолият йўналишларидан бири [2].

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида ёзилишича, “хизмат – бу бирор ташкилот, муассаса ёки корхонада бажариладиган иш, вазифа, лавозим; шундай жойда ишлаш” [3]. Умуман олганда, бу тушунча турли маъноларда: инсоннинг фаолият тури, ижтимоий-ҳуқуқий институт сифатида, давлат органларининг махсус тизими маъносида ишлатилиши мумкин. Демак, хизмат – бошқарувдан, давлат фаолиятини амалга оширишдан, бошқарувни таъминлашдан, аҳолига ижтимоий-маданий хизмат кўрсатишдан иборат.

Бугунги кунда фикр юритилаётган “хизмат”нинг алоҳида тури сифатида “давлат хизмати” тушунчасига турлича қарашлар, таърифлар мавжуд. Ўзбекистон юридик энциклопедиясида қайд этилишича, давлат хизмати – бу давлат ташкилотлари (орган, муассаса) хизматчиларининг давлат функциялари ва вазифаларини амалга оширишга йўналтирилган ҳамда ҳақ тўланадиган меҳнат фаолияти [4]. Бошқа таърифга назар ташласак, давлат хизмати ҳуқуқий институт сифатида давлат хизматини ва давлат хизматчилари вазифаларининг бажарилишини ташкил қилувчи ҳамда ижтимоий муносабатларни тартибга солиб турувчи ҳуқуқий нормаларнинг йиғиндисидир [5]. Бизнингча, мазкур тушунчага “давлат хизмати давлатнинг мақсад ва вазифаларини давлат лавозимини бажариш ёрдамида

амалга оширишда фуқароларнинг амалий иштироки” [6] сифатида баҳоланадиган талқинга кўшилиш мақсадга мувофиқ. Зеро, давлат хизмати давлат тизими негизини, унинг самарали ишлашини таъминлашга йўналтирилган асосий институт ҳисобланади [7]. Шу муносабат билан, давлат хизматчиларининг ўз хизмат вазифаларини тўлақонли амалга оширишларига эришиш мақсадида уларга нисбатан турли хил чекловлар белгилаб кўйилади.

Н.Саид-Ғазиева ўзининг тадқиқот ишларида бундай чеклашларни тўртта гуруҳга ажратиб [7], улар қаторига давлат хизматчисининг жисмоний ва юридик шахслардан ҳақ (пул, совға, қарз, хизматлар, дам олиш учун ҳақ тўлаш, транспорт харажатларини қоплаш ва бошқа кўринишдаги ҳақ) олиш, хорижий хизмат сафарларига жисмоний ва юридик шахслар ҳисобидан чиқишларни киритади. Албатта, бундай тақиқларни бузиш, ўз навбатида, тегишли жавобгарликни юзага келтиради.

М.Ҳ.Рустамбаев “шахснинг жавобгарлик мақоми унинг хизмати хусусияти билан белгиланади – у давлат хизматчиси ҳисобланади ва хизмат юзасидан юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколатли ҳисобланади” [8], деб таъкидлайди. Дарҳақиқат, давлат хизматчисини пора (ҳақ) эвазига оғдириш ёки унинг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши, бевосита давлат функциялари билан муносабатларга зарар етказиши, давлат фаолиятини ишдан чиқаришга қаратилади. Бундай ҳулоса, унинг давлат хизматчиси эканлигидан, фаолиятининг давлат хизмати вазифалари билан бевосита боғлиқлигидан келиб чиқади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги жинойт қонунини тадқиқ этилаётган муаммо нуқтаи назаридан таҳлил қилиш давлат хизматчисини пора (ҳақ) эвазига оғдиришнинг жинойт-ҳуқуқий жиҳатлари қаторига ЖК 124-моддаси, 125-моддаси иккинчи қисмининг “б” банди, 135-, 147-моддалари, X боби (172–173-моддалар бундан мустасно), 186¹-моддаси иккинчи қисмининг “г” банди, 186¹-моддасининг тўртинчи қисми, 186²-моддаси иккинчи қисмининг “г” банди, 186³-моддаси иккинчи қисмининг “г” банди, 205, 209-211, 213-214, 227-228¹-моддалари, 238-моддасининг иккинчи қисми, 243, 247, 252, 255¹, 271-моддаларида назарда тутилган жинойтларни киритиш имконини беради.

Биз мазкур рўйхатга умуман олганда қонунга хилоф равишда ҳақ олиш билан боғлиқ ҳолда содир этилиши мумкин бўлган жинойтларни киритганмиз. Рўйхат қанчалик кенг бўлмасин, зарур ҳолда уни турли мезонларга кўра, чунончи: ҳақнинг миқдори ва ифодалаш шакллари; уни олиш билан боғлиқ шахслар доираси; қонунга хилоф равишда ҳақ бериш ёки хизматчини пора эвазига оғдириш билан боғлиқ жинойтнинг объекти ва ҳоказоларга кўра тизимлаштирилиши мумкин.

Шуни қайд этиш лозимки, келтирилган жинойтларнинг умумий тавсифи криминологияда, одатда, “ғараз ният” деб аталувчи жинойтлар билан камраб олинади. Р.А.Зуфаров қайд этганидек, давлат хизматчисини пора эвазига оғдириш, яъни ходимнинг била туриб моддий ҳақ ёки мулкий фойдани қабул қилиши ҳам ғаразли мақсадларда содир этиладиган жинойтдир [9]. В.В.Лунеев фикрига кўра, бундай ниятлар қуйидагича таснифланади: 1) пул ва моддий бойликлар тўплаш нияти, очкўзлик, тамағирлик, юлғичлик; 2) моддий равақ ва фаровонликка, нуфузли бойликларни эгаллашга, “бошқалардан ёмон яшамаслик”ка интилиш; 3) ичкиликбозлик, тараллабедод ҳаёт кечиришга интилиш, кўп миқдорда моддий харажатлар талаб қилувчи бошқа бузуқ мойилликлар; 4) сохта тушунилган хизмат манфаатлари, мансабпарастлик майллари, юқори турувчи бошлиққа ёқишга, мансаб пиллапояларидан кўтарилиш учун керак бўлган танишлар ва алоқалар орттириш, уларни қувватлашга интилиш; 5) шахсий моддий (вақтинчалик ёки нисбатан доимий) муҳтожликни, тақчил ашёлар ёки материалларга бўлган маиший эҳтиёжларни қондиришга, ўз оиласига ёрдам беришга интилишлар ва бошқа хил майллар [10]. Ҳозирги вақтда ҳокимиятга интилиш ғараз ниятнинг анча кенг тарқалган шаклига айланмоқда. Бу ниятга эришиш баъзан ғаразгўйлик тусидаги бошқа эҳтиёжларни қондириш учун ўзига хос “старт майдончаси” сифатида қаралади.

Ғараз ниятнинг серқирралигига, уни ифодалаш шаклларида мавжуд фарқларга қарамай, у жиноят ҳуқуқида ғайриқонуний ҳақ бериш, давлат хизматчисини пора эвазига оғдириш, бундай субъектларнинг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкый манфаатдор бўлиши муаммосини турли йўллар билан: жиноятларнинг мустақил таркибларини “тамагирлик нияти”, “манфаатдорлик”, “пора эвазига оғдириш”, “моддий қимматликлар олиш ёки мулкый манфаатдор бўлиш” каби тавсифловчи белгилар ёрдамида белгилаш йўли билан четга суради. Бироқ баъзан қонун чиқарувчи мазкур белгиларни бир турдаги ёки турли хил жиноятларга тегишли бўлган ўхшаш вазиятларга татбиқан кўп маротаба қўллайди. Масалан, қонунда фуқаролар ўз сайлов ҳуқуқларини амалга оширишларига, шунингдек уларнинг референдумда эркин иштирок этишларига оғдириб олиш йўли билан тўсқинлик қилиш мумкин (ЖК 147-моддаси), деб ҳисоблаган ҳолда (бу ерда ғаразғўйлик нияти белгиси қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, ҳеч шубҳасиз, кучайтиради), бу турдаги бошқа жиноят – сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (ЖК 146-моддаси)га мазкур белги татбиқ этилмаган. Ваҳоланки, сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш вақтида мансабдор шахслар, сиёсий партиялар ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг вакиллари, ташаббускор гуруҳлар ёки сайлов ёхуд референдум комиссиялари аъзоларини овоз беришнинг яширинлигини бузиш, сайлов ёки референдум ҳужжатларини қалбакилаштириш, сайлов ёки имзо варақаларига сохта ёзувлар киритиш, берилган овозларни атайлаб нотўғри ҳисоблашга ҳақ эвазига оғдириш мумкинлиги исбот талаб қилмайдиган бир ҳолдир.

Одил судловга қарши жиноятлар ғараз ниятида содир этилиши мумкинлигига ишоралар умуман йўқлиги ҳам кишида таажжуб уйғотмаслиги мумкин эмас. Одил судловга қарши жиноятларда ушбу белги назарда тутилмагани қонунни қўлловчи орган ходимларига мазкур ҳолатни иш материалларида акс эттириш имконини бермайди. Бинобарин, у жиний жавобгарлик ва жазони лозим даражада дифференциация қилиш ва индивидуаллаштириш учун ҳуқуқий асосга ҳам эга бўлмайди.

Юқорида баён этилган фикр-мулоҳазалар амалдаги жиноят қонуни бизни қизиқтирган нуқтаи назардан мукамал эмаслигини тасдиқловчи далилларнинг айримлари, ҳолос. Зарур ҳолда келтирилган вазиятларнинг ҳар бирини бошқа шунга ўхшаш мисоллар билан тўлдириш мумкин. Амалиёт ғараз ниятларда баъзан экология соҳасидаги жиноятлар ҳам (атроф табиий муҳитнинг ифлосланганлиги тўғрисидаги маълумотларни қасдан яшириш ёки бузиб кўрсатиш), тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши жиноятлар ҳам (терроризм), жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар ҳам (шахсни гаров сифатида тутқунликка олиш), ғаразғўйлик жиноятларига мансуб бўлмаган бошқа турдаги кўпгина жиний қилмишлар ҳам содир этилишини кўрсатади. Айни ҳол ғараз нияти мавжудлиги белгиси ғараз ният билан содир этиладиган жиноятларгагина хос эмас, деган ҳулосага келиш имконини беради. Бу белги бошқа турдаги бир қатор жиноятларда ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Бинобарин, ғараз, масалан, жиноятларини фақат ўзганинг мулкига қарши жиноятлар билан бир хил, дейиш ўринли эмас, худди шунингдек ўзганинг мулкига қарши жиноятлар ҳар доим фақат ғараз ниятларида содир этилади, деб ҳисоблаш ҳам тўғри бўлмайди. Жиноятчиликнинг ғараз жиноятлар сифатидаги тавсифи унинг бошқа кўрсаткичлари орасида кенг, мустақил аҳамиятга эга эканлиги тасодифий бир ҳол эмас. У иқтисодий жиноятларга, коррупция жиноятчилигига нисбатангина эмас, балки жиноятчиликнинг деярли барча турларига нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин. Бизнинг назаримизда, айни ҳолатни қонун чиқарувчи лозим даражада англаб етмаган. Юзага келган вазиятда жиноят қонуни криминологик жиҳатдан асосланган бўлиши, кўриб чиқилаётган муаммони тўғри ва аниқ акс эттириши лозим.

Ғараз ниятининг жиноят қонунчилигида акс эттирилиши тўлиқ ва изчил эмаслиги аниқ ва равшан бир ҳолдир. Бироқ бу камчиликларни бартараф этиш йўлларини таклиф қилишдан олдин хизматчини пора эвазига оғдиришнинг ғараз нияти билан ўзаро алоқадор эканлигига яна бир қарра эътиборни қаратмоқчимиз.

Изоҳли луғатларда ғаразғўйлик тушунчасига мўмай даромад олишга, енгил йўллар билан бойлик орттиришга интилиш, пулга ўчлик, тамагирлик, юлғичлик деб таъриф берилади

[11]. Ўз навбатида жиноий ният (мотивация) жиноий хулқ-атворнинг вужудга келиши, шаклланиши ва уни амалга ошириш ички жараёнини ўзида ифодалайди. Бу жараён эҳтиёж, мотив, мақсад, унга эришиш йўллари ва воситаларини танлаш, хулқ-атворни амалга оширишни прогнозлаштириш, қарор қабул қилиш, хулқ-атворни бошқариш ва унга тузатишлар киритиш, содир этилган қилмишни таҳлил қилиш, ўз қилмишидан пушаймон бўлиш ёки ўз хулқ-атворини оқлаш мотивини танлаш каби элементларни ўз ичига олади [12]. Жиноий ният (мотивация) тушунчасига берилган мазкур таъриф шахснинг жиноятга қўл уришдан олдинги хулқ-атворинигина эмас, балки жиноятни содир этгандан кейинги хулқ-атворини ҳам ўз ичига олса-да, ундан тадқиқотимиз вазифаларига татбиқан фойдаланиш мумкин. Умуман олганда ғаразғўйлик нияти (мотивацияси) – бу яхшироқ яшашга бўлган эҳтиёждир. Мазкур ният юлғичлик йўли билан амалга оширилади ва айни ҳолда жиноят қонуни билан тақиқланган усуллар билан ҳақ олиш мақсади қўйилишига сабаб бўлади. Х.Хекхаузен таъбири билан айтганда, ғаразғўйлик нияти (мотивацияси) – бу ғаразғўйлик мотиви таъсирида пайдо бўлган ҳаракатга майлдир [13]. Бизнинг назаримизда, юқорида баён этилганлар қонун чиқарувчи қонун матнида “ҳақ бериш” иборасини ишлатишдан ўзини тийгани сабабини маълум даражада тушунтиради. Тегишли ҳолларда қонун чиқарувчи ғайриқонуний ҳақ беришнинг амалда намоён бўлиш шаклларига эмас, балки ғаразғўйлик мотивларига ва уларни амалга ошириш усулларига урғу беришга ҳаракат қилади. Айни шу ҳолат, бизнингча, ғаразғўйлик криминал мотивацияси тушунчасидан ғайриқонуний ҳақ бериш муаммосини жиноят қонунида акс эттирувчи тушунча сифатида фойдаланиш учун асос беради.

Шуни қайд этиб ўтиш лозимки, порахўрлик ҳам, давлат хизматчисини пора эвазига оғдириш ҳам, давлат хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши ҳам қонунга хилоф равишда ҳақ бериш ёки олишнинг жиноят қонунида акс эттирилган айрим кўринишлари, холос.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида қайд этилишича, ҳақ деганда, “ҳуқуқ, қонун ва шу кабилар юзасидан бирор кимса ёки нарсага тегишли ҳисса, тўланадиган ёки олинадиган нарса”, шунингдек “иш, меҳнат, хизмат эвазига тўланадиган, олинадиган пул ёки бошқа нарса” [14] тушунилади. З.А.Вишинская фикрига кўра, қонуний ҳақ бериш ёки олиш деганда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинган ишни бажариш ёки хизмат кўрсатиш учун олинувчи ҳақ тушунилади [15]. Ҳақ бериш ёки олишнинг қонунийлиги тўғрисида сўз юритганда таянч сифатида олинган вазиятнинг хусусиятини ҳисобга олиб, қонунга хилоф равишда ҳақ бериш ёки олиш “бундай шахс хийла-найранг ишлатиш, алдаш йўли билан, ўзига тараллабедод кун кечирини берувчи моддий неъматларни олишини”гина эмас, балки бу турдаги ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш учун белгиланган меъёрлардан ортиқ моддий неъматларни қўлга киритишини англатади. Шу тариқа ҳақ олишнинг қонунга хилофлиги унинг бажарилган иш ёки кўрсатилган хизмат билан мувофиқ эмаслиги орқали таърифланган.

Жиноят кодекси ва уни қўллаш амалиёти ҳақ бериш ёки олишнинг қонунийлигини (қонунга хилофлигини) белгилашда асосан икки жиҳат: унинг миқдори ва ҳақ олувчи субъект ҳуқуқий мақомининг хусусиятлари эътиборга олинган. Баъзан ҳақ бериш ёки олишнинг қонунга хилофлиги уни олишга қаратилган қилмишларнинг ғайриқонунийлиги билан ҳам белгиланади. Бу эса, жиноят ҳуқуқига хос бўлган ҳолатдир. Шу туфайли ҳам биз юқорида қонунга хилоф равишда ҳақ бериш ёки олиш билан боғлиқ жиноятларнинг иккинчи гуруҳини ажратдик.

Айни ҳолда қонунга хилоф равишда ҳақ бериш ёки олиш учун жавобгарлик масаласи тадқиқ этилаётгани боис, унинг ғайриқонунийлигини белгилашнинг қуйидаги иккита ҳолатини батафсилроқ кўриб чиқамиз:

- а) олинаётган ҳақнинг кўрсатилган хизмат (бажарилган иш) билан мувофиқ эмаслиги;
- б) ҳақ берилаётган шахснинг иш жойи, эгаллаб турган лавозими, кўрсатилаётган хизматларнинг хусусияти ва ҳ.к.лар билан белгиладиган алоҳида ҳуқуқий мақоми

муносабати билан (белгиланган миқдордан ортик ёки ҳар қандай миқдорда) ҳақ олишга йўл қўйилмаслиги.

Ҳақ бериш ёки олишнинг ижтимоий-ҳуқуқий тавсифи нуқтаи назаридан унинг қонунга ҳилофлигини белгилашнинг айнан биринчи варианты табиийроқ ва мантикқа мувофиқдир. Ҳақ бериш учун асос (хизмат) умуман мавжуд бўлмаган жойда у адолатсиз ва қонунга ҳилофдир. Муайян ҳақ (пора) у хизмат билан мувофиқ эмаслиги туфайли адолатсиз ва қонунга ҳилоф деб топилиши мумкин. Шунини таъкидлаб ўтиш лозимки, хизмат айни ҳолда муайян турдаги ва ҳажмдаги ишни бажариш ёки хизматлар кўрсатишигина эмас, балки мазкур ҳаракатларни улар учун белгиланган талаблар, меъёрларга мувофиқ ҳақ ундирган ҳолда амалга оширишни ҳам ўз ичига олади.

Ҳақ бериш ёки олишнинг қонунга ҳилофлигини белгилашнинг иккинчи усули (унинг хизмат билан мувофиқ эмаслиги) ҳам республикамиз жинойт қонунида “соф” ҳолатда ўз аксини топмаган. О.В.Лысенко истеъмолчиларни алдаш, наф кўриш мақсадида, ғараз манфаатларда содир этиладиган ваколатини, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш мисол сифатида келтиради. Бироқ ҳақ бериш ёки олишнинг қонунга ҳилофлиги ушбу ҳолларда ҳар доим ҳақ берилаётган субъектларнинг алоҳида доираси ёки уларнинг иш жойи (товарларни сотиш ёки аҳолига хизматлар кўрсатишни амалга оширувчи тижорат ва нотижорат ташкилотлари) ёки бажараётган вазифаларининг хусусияти (тижорат ташкилотда ёки бошқа ташкилотда) ёхуд мансаб ваколатларининг хусусияти билан боғланади [16]. Бошқача қилиб айтганда, чет эл мамлакатларининг жинойт қонунларидан (хусусан, Болгария ЖКдан) фарқли ўлароқ, Ўзбекистон ЖКда ҳақ бериш-олишнинг ғайриқонунийлигини фақат унинг хизмат вазифаси билан мувофиқ эмаслиги орқали белгилаш амалиёти мавжуд эмас. Бизнингча, жисмоний шахслар (жинойтнинг умумий субъектлари) ўртасида амалга ошириладиган ҳақ бериш ёки олишнинг жинойт қонуни билан тартибга солиниши мумкин эмас, табиийки, моддий неъматларни жинойий йўл билан олиш бундан мустаснодир. Жисмоний шахслар ўртасида ҳақ бериш ёки олиш масалалари одатда фуқаролик қонунчилиги билан тартибга солинади. Оддий (ўз ҳуқуқий мақомига кўра тенг) жисмоний шахслар ўртасида биз кўриб чиқаётган муаммонинг зидди – тўланиши лозим бўлган ҳақни тўламаслик, уни олмаслик билан боғлиқ муносабатлар ҳам фуқаролик ҳуқуқнинг предмети ҳисобланади. Фақат мазкур муносабатнинг тарафларидан бири сифатида корхона, муассаса ёки ташкилот раҳбари амал қилган ҳолда, агар мазкур шахсда ғаразгўйлик ёки бошқа шахсий манфаатлар мавжуд бўлса, улар жинойт-ҳуқуқий муносабатлар сифатида амал қилиши мумкин.

Шундай қилиб, жинойт ҳуқуқида ҳақ бериш ёки олишнинг қонунга ҳилофлигини белгилашнинг айтиб ўтилган икки вариантдан фақат иккинчисини амалда қўллаш мумкин ёки, нари борса, бу масала фақат иккинчи вариант доирасида ҳақнинг хизмат билан мувофиқ эмаслиги хусусидаги изоҳлар бериш билан ҳал қилиниши мумкин.

Юқорида баён этилганларга мувофиқ, қонунга ҳилоф равишда ҳақ олиш ёки бериш тушунчасининг мазмунида акс этиши лозим бўлган қуйидаги белгиларни ажратиш кўрсатиш мумкин: 1) ҳақ (пора) бериш ёки олиш тушунчасининг тавсифи; 2) берилаётган ҳақнинг хизматга боғлиқлиги; 3) субъектлар таркибининг ҳақ бериш ва олиш механизmidан келиб чиқадиган мураккаблиги. У ўз навбатида икки ҳаракат – ҳақ бериш ва уни олишнинг, тегишли равишда икки мустақил субъект (ҳақ берувчи ва олувчи)нинг мавжудлигини назарда тутди; 4) ҳақ бериш ёки олишнинг ғайриқонуний эканлигини тушуниш.

1. “Ҳақ бериш ёки олиш” тушунчасининг этимологияси, жинойт ҳуқуқида қонунга ҳилоф равишда ҳақ бериш ёки олиш акс эттирувчи атаманинг турлича эканлиги, шунингдек унинг турли “ташувчилари”га ишоралар, бизнинг назаримизда, унинг мазмунига тавсиф беришда “моддий неъматлар ёки мулк хусусиятга эга бўлган нафлар” деган кенг таърифдан фойдаланиш имконини беради. Сабаби, ушбу муносабат билан тилга олинувчи “мулк хусусияти имтиёзлар”, “мол-мулк бўлган ҳуқуқ” каби иборалар “наф кўриш” билан қамраб олинади, моддий неъматлар эса “пул, қимматли қоғозлар ва бошқа мол-мулк”ни қамраб олади. Бу гап жинойт қонунчилигида қўлланиладиган ёки мазкур масалани махсус адабиётларда муҳокама қилиш пайтида таклиф қилинган бошқа терминологияга ҳам тегишлидир [17].

2. Жиноят ҳуқуқида ҳақ бериш ёки олишнинг қонунга хилофлигига берилган таъриф кўп қиррали бўлса-да, унда ҳар доим ҳақнинг кўрсатилаётган (бажарилаётган), кўрсатилган (бажарилган) ёки кутилаётган хизматлар (ишлар)га боғлиқлиги кўрсатиб ўтилади. Шу тариқа ҳақ бериш ёки олишни совғадан ажратиш имконини берувчи муҳим белгилардан бири – тўловлилик қайд этилади. Ҳақ бериш ёки олиш кўрсатилган хизматдан (бажарилган ишдан) қатъи назар хизмат (мансаб лавозими) юзасидан олинганининг ўзи учунгина ғайриқонуний деб эълон қилинадиган айрим ҳолатларни, бизнингча, қонун чиқарувчининг мазкур масала бўйича принципал нуқтаи назардан эмас, балки у ёки бу жиноятнинг қонундаги тушунчаси мукамал эмаслигининг натижаси, деб ҳисоблаш мумкин.

3. Порахўрлик ва пора эвазига оғдириш каби, уларнинг моҳиятини белгиловчи қонунга хилоф равишда ҳақ бериш ёки олиш ҳам ҳар доим икки тараф – берувчи ва олувчининг ўзаро алоқасини назарда тутади.

4. Қилмишнинг қонунга хилоф эканлигини тушуниш умумий қоидага биноан айбнинг мазмунига кирмаса-да (Ўзбекистон ЖК 20, 21-моддаларига мувофиқ, фақат қилмишнинг ижтимоий хавfli эканлигини тушуниш талаб этилади), жиноят ҳуқуқида ҳақ бериш ёки олишнинг қонунга хилоф эканлигини тан олиш учун мазкур ҳолат биринчи даражали аҳамиятга эгадир. Ҳақ берилаётган шахс ўзи олаётган предметларнинг қонунга хилоф хусусиятидан хабардорлигига тўғридан-тўғри ишора камдан-кам (масалан, Б.В.Волженкиннинг таъбирича, РФнинг ЖКда умуман мавжуд эмас [18]) учрайдиган ҳодиса ҳисобланса-да, ҳақ бериш ёки олишнинг ижтимоий-ҳуқуқий тавсифи унинг жазога лойиқлиги ҳар доим қонунга хилофлик ҳолатини тушуниш билан боғланишига шак-шубҳа қолдирмайди. Бир қатор ҳолларда қонун чиқарувчи пора олишнинг ғайриқонуний хусусиятини (шу жумладан “ғайриқонуний ҳаракатлар (ҳаракатсизлик)”ни, оғдириш учун берилган порани ғайриқонуний тарзда олишни қайд этадики, бу юқорида кўрсатилган қоидадан истисно ҳолатлардан бирини ҳосил қилади.

Демак, юқорида қайд этилганлардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, **қонунга хилоф равишда ҳақ бериш ёки олиш деганда, ҳақ бериш-олиш муносабати иштирокчиларининг ўз ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги қонунга зид эканлигини била туриб, бажарилган иш (кўрсатилган хизмат) билан мувофиқ келмайдиган миқдорда ҳақ олиш ёки беришнинг белгиланган тартибини ёки белгиланган тақиқни бузиб моддий неъматлар ёки мулкий йўсиндаги фойдани олиши ёки бериши тушунилади.**

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, биринчидан, мазкур таърифнинг жиноят-ҳуқуқий хусусияти фақат бир нарсада – қонунга хилоф равишда ҳақ бериш-олиш жараёнида иштирок этувчи субъектларнинг алоҳида жиноят-ҳуқуқий мақомига ишорада намоён бўлади. Иккинчидан, қонунга хилоф равишда ҳақ бериш ёки олиш тушунчасининг келтирилган таърифидан фақат операцион тушунча сифатида, уни қонунга хилоф равишда ҳақ бериш-олиш билан боғлиқ аниқ жиноятларнинг қонундаги тузилишида акс эттиришда ўзига хос тажриба сифатида фойдаланиш мумкин.

Иктибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон ССР Жиноят кодексига шарҳлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1988. – Б. 135. (Comments on the Criminal Code of the Uzbek SSR. - Tashkent: Uzbekistan, 1988. -P. 135)
2. Бахрах А.П. Административное право. – М., 1993. – С. 135. (Bakhrakh A.P. Administrative right. - M., 1993. -P. 135)
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т.4. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – Б. 395-396. (An explanatory dictionary of the Uzbek language. Т.4. - Tashkent: National Encyclopedia of Uzbekistan, 2008. -P. 395-396.)
4. Ўзбекистон юридик энциклопедияси. / Нашр учун масъул: Р.А.Мухитдинов ва бошқ.; масъул муҳаррир: Н.Тойчиев. – Тошкент: Адолат, 2009. – Б. 114. (Legal encyclopedia of Uzbekistan. / Responsible for publication: R.A.Muhitdinov et al.; responsible editor: N. Toychiev. - Tashkent: Adolat, 2009. -P. 114)

5. Алимов Ҳ.Р., Маҳмудов А.А., Исмоилов Н.Т. Ўзбекистон Республикасида давлат хизмати: Чизмалар албоми. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2002. – Б. 9. (Alimov H.R., Mahmudov A.A., Ismailov N.T. Public service in the Republic of Uzbekistan: Album of drawings. - Tashkent: Academy of Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, 2002. -P. 9)
6. Комаровский В.С., Тимофеева Л.Н. Конфликты граждан с чиновниками: почему и зачем? // Государство и право. – М., 1997, №10. – С. 6. (Komarovskiy V.S., Timofeeva L.N. Conflicts of citizens with officials: why and why? // State and law. - M., 1997, No. 10. – P. 6.)
7. Саид-Ғазиева Н.Ш. Ўзбекистон Республикасида давлат хизматини ислоҳ этиш масалалари: Монография. / Масъул муҳаррир: З.М.Исломов. – Тошкент: ТДЮИ, 2008. – Б. 28. (Said-Gazieva N.Sh. Issues of civil service reform in the Republic of Uzbekistan: Monograph. / Responsible editor: Z.M. Islamov. - Tashkent: TDYuI, 2008. -P. 28)
8. Рустамбаев М.Х. Комментарий к Уголовному кодексу Республики Узбекистан. – Тошкент, 2004. – С. 568. (Rustambaev M.Kh. Commentary on the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan. – Tashkent, 2004. – P. 568.)
9. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. / З.Ғ.Ғуломов, Р.А.Зуфаров, Р.Қ.Қобулов ва бошқ. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1997. – Б. 277. (Comments on the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan. / Z.G'. G'ulomov, R.A. Zufarov, R.Q. Qabulov and others. - Tashkent: Academy of Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, 1997. -P. 277)
10. Лунеев В.В. Преступное поведение: мотивация, прогнозирование, профилактика. – М., 1980. – С. 53. (Luneev V.V. Criminal behavior: motivation, forecasting, prevention. - M., 1980. -P. 53.)
11. Ожегов С.И. Словарь русского языка. – М., 1953. – 262-б.; Толковый словарь русского языка / Под ред. Д.Н.Ушакова. Т.1. – М., 1935. – С. 1480. (Ozhegov S.I. Dictionary of the Russian language. - M., 1953. - 262-b .; Explanatory Dictionary of the Russian Language / Ed. D.N.Ushakova. T.1. - M., 1935. -P. 1480)
12. Лунеев В.В. Преступное поведение. – М.: Юрид лит. 1998. – С. 129–130. (Luneev V.V. Criminal behavior. – М.: Yurid lit. 1998. -P. 129-130)
13. Хекхаузен Х. Мотивация и деятельность. Т.1. – М., 1986. – С. 38. (Hekhauzen H. Motivation and activity. T.1. - M., 1986. -P. 38)
14. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т.5. / Таҳрир хайъати: Т.Мирзаев ва бошқ. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – Б. 519. (An explanatory dictionary of the Uzbek language. T.5. / Editorial board: T. Mirzaev et al. - Tashkent: National Encyclopedia of Uzbekistan, 2008. -P. 519)
15. Вишинская З.А. Уголовная ответственность за получение незаконного вознаграждения от граждан. – М., 1987. –С. 6. (Vishinskaya Z.A. Criminal liability for receiving illegal remuneration from citizens. - M., 1987. -P. 6)
16. Лысенко О.В. Уголовно-правовые аспекты незаконного вознаграждения. Дисс... канд. юрид. наук. – М.: РГБ, 2003. – С. 56. (Lysenko O.V. Criminal-legal aspects of illegal remuneration. Diss... cand. legal Sciences. – М.: RSL, 2003. – P. 56)
17. Эксанова А.А. Подкуп как криминогенное преступление: Автореф. дисс. ...канд. юрид. наук. – Нижний Новгород, 2001. – 22 с.; Семенов Д.А. Уголовно-правовая оценка подкупа: Дисс. канд. юрид. наук. – М., 1999. – 25 с. (Eksanova A.A. Bribing as a criminogenic crime: Abstract of the thesis. diss. ...cand. legal Sciences. - Nizhny Novgorod, 2001. - 22 p.; Semenov D.A. Criminal-legal assessment of bribery: Diss. cand. legal Sciences. - M., 1999. - 25 p)
18. Волженкин Б.В. Экономические преступления. – СПб., 1999. – С. 163. (Volzhenkin B.V. economic crimes. - St. Petersburg, 1999. -P. 163)

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

7 ЖИЛД, 9 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 7, НОМЕР 9

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 7, ISSUE 9

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000